

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

БЕКЧАНОВА САЙЯРА БАЗАРБАЕВНА

**ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ ФОЛЬКЛОРИДА НАҚЛ ЖАНРИ (генезиси,
типологияси ва поэтикаси)**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

УЎК:398.5(=512.133)+(=512.121):82-191(043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Бекчанова Сайяра Базарбаевна

Ўзбек ва қорақалпоқ фольклорида нақл жанри (генезиси, типологияси ва поэтикаси).....3

Бекчанова Сайяра Базарбаевна

Жанр притчи (нақл) в узбекском и каракалпакском фольклоре (генезис, типология и поэтика).....25

Bekchanova Sayyara Bazarbaevna

Parable genre (proverb) in the Karakalpak and Uzbek folk (genesis, typology and poetics).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works51

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

БЕКЧАНОВА САЙЯРА БАЗАРБАЕВНА

**ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ ФОЛЬКЛОРИДА НАҚЛ ЖАНРИ (генезиси,
типологияси ва поэтикаси)**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.3.PhD/Fil318 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tai.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматқул Жўраев

Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бахадирова Саригул

филология фанлари доктори,
профессор

Расулова Зебинисо Жалолиддиновна

филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5.Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2019 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.М.Мирзаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, академик

Л.Худайқулова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.

Ш.Турдимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё фольклоршунослигида муайян ҳудудда асрлар бўйи иқтисодий-маданий ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшаб келган халқларнинг бадиий тафаккури маҳсули бўлган оғзаки ижоди жанрлари генезиси, типологияси, поэтикаси ва уларда акс этган ўзаро таъсир масалалари бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Фольклор намуналари умумхалқ маданиятининг таркибий қисми бўлиб, халқлар ва миллатларнинг шаклланиши, маънавий эҳтиёжларининг қондирилиши, руҳан юксалишида қадимдан муҳим аҳамият касб этиб келган. Шу боисдан ҳам жаҳон ва туркий халқлар фольклоршунослигида муайян тарихий-географик ареалда яшаб ижод этган халқлар оғзаки поэтик меросида намоён бўлувчи ўзаро таъсир масалалари бўйича салмоқли изланишлар амалга оширилган. Халқ насрини типологик тадқиқ этиш натижасида юзага келган илмий қарашлар ўзбек ва қорақалпоқ нақллариининг генезиси, типологияси ва бадииятини изчил тадқиқ қилиш имконини беради.

Жаҳон фольклоршунослигида жанрларнинг ўзаро муштарак ва фарқли жиҳатларини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилиши натижасида эпик турга мансуб халқ насрининг мукамал таснифи яратилди. Фольклор асарларининг жанрий хоссалари ойдинлаштирилди. Оғзаки насрни тадқиқ этиш бўйича эришилган ютуқлар ўзбек ва қорақалпоқ халқ насрининг жанрий табиати ва бадииятини ёритишга асос бўлди. Жумладан, Ғарб ва рус фольклоридаги *притча* деб аталмиш жанрга функционал жиҳатдан ўхшаш бўлган туркий халқлар оғзаки поэтик ижодидаги *нақл* жанрининг қардош ва қондош ўзбек ва қорақалпоқ халқлари фольклоридаги ўзига хослигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу соҳада жаҳон илм-фананда мавжуд замонавий илмий ёндашувларни қўллаган ҳолда ўзбек ва қорақалпоқ нақллариини ўзаро чоғиштириб, уларнинг яратилиши ва бадиий сайқал топишида адабий таъсирнинг ўрни ҳамда мавқеини аниқлаш, нақлнинг тарихий-генетик асосларини ёритиш, поэтик хусусиятлари, етакчи образ ва мотивларига хос муштараклик ва ўзига хосликларни ўрганиш зарурати мавжуд.

Мустақиллик йилларида маънавий қадриятларни тиклаш, айниқса фольклор анъаналари шаклланиши, тараққиёти, тадрижи, жанрлар таркиби ва адабий таъсир масалаларини чуқур ҳамда кўламли тадқиқ этиш жараёни жадаллашди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ижтимоий соҳани, жумладан, адабиёт ва санъат соҳаларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги»¹ таъкидланган. Бу эса ўз навбатида оғзаки ижод намуналарини нашр этиш, чуқур илмий тадқиқ этиш заруриятини юзага келтириб, айни муаммонинг ечимини топишни бугунги куннинг долзарб вазифалари қаторига қўяди. Шу маънода, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари асрлар давомида ижод қилган оғзаки поэтик сўз санъати намуналари миллий маданиятимизнинг таркибий қисми сифатида чуқур тадқиқ этишни тақозо қилмоқда. Ўзбек ва қорақалпоқ оғзаки

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. – 8 февраль.

ижоди жанрларидан эртак, мақол, латифа, афсона, ривоят ва бошқа жанрлар фольклоршуносликда кенг ўрганилган. Лекин кичик насрий жанр саналмиш **нақл** жанр сифатида ҳар иккала халқ фольклоршунослигида ҳанузгача монографик тарзда махсус илмий-тадқиқот объекти бўлган эмас. Бадиий жиҳатдан ихчам, аммо катта мазмуний қамров асосига қурилган **нақл** жанри ўтмиш насрида ҳам, бугунги кунда ҳам ўз мавқеига эга. Нақлнинг яшовчанлиги, ўзига хос структурал тузилиши фольклорнинг бошқа жанрлари қаторида уни мустақил жанр сифатида ўрганишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармонлари; 2010 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-1292-сон, 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сон, 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПҚ-3271-сон қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 222-сон, 2018 йил 26 апрелдаги «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 304-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нақл жанрини тадқиқ этиш бўйича жаҳон², хусусан, рус³ ва туркий⁴ халқлар фольклоршунослигида кенг

² Тюпа В.И. Грани и границы притчи. Традиция и литературный процесс. – Новосибирск, 1999.

³ Аверинцев С. С. Притча// Краткая литературная энциклопедия. – Москва, 1971. – Т. VI. – С. 20–21; Потенба А.А. Из лекций по теории словесности// Эстетика и поэтика. – Москва: Искусство, 1976. – С. 483; Снегиров. Русские народные пословицы и притчи. – Москва, 1948. – С. 9; Ромодановская Е.К. Специфика жанра притчи в древнерусской литературе// Евангельский текст в литературе XVIII–XX веков: цитата, реминисценция, мотив, сюжет, жанр. Сб. науч. трудов. – Петрозаводск: ПетрГУ, 1998. – вып. 2. – С. 74–111.

⁴ Пантусов Н.Н. Материалы к изучению казак киргизского наречия. Киргизские пословицы. – Казань, 1899. – вып. 1; Қасқабасов С. Қазактың халық прозасы. – Алматы: Ғылым, 1981. – Б. 272; Ильина Г.Г. Несказочная проза в системе жанров чувашского фольклора: Дис. ... канд. филол. наук. – Ижевск, 2006. – 228 с.; Баймырадов А. Туркмен фольклор прозасынын тарыхы эволюциясы. – Ашхабад: Ылым, 1982. – Б. 78;

кўламли ишлар амалга оширилган. Бу йўналишдаги тадқиқотлар ўзбек фольклоршунослигида, асосан, XX асрнинг 80 йилларидан бошланган. К.Имомов, Б.Саримсоқов, М.Жўраев, С.Холмирзаева каби фольклоршуносларнинг ишларида нақл жанрининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги илмий қарашлар илгари сурилган⁵. Қорақалпоқ фольклоршунослигида эса Қ.Мақсетов, Н.Давқараев, С.Ахметов, С.Баҳадирова, Қ.Айимбетов, А.Пахрадиновларнинг айрим ишларида нақл атамаси луғавий маъноси ва шу термин билан номланувчи жанр ҳақида қисқача маълумотлар ҳамда изоҳлар бериб ўтилган⁶.

Нақл жанри ўзбек ва қорақалпоқ фольклоршунослигида фақат шу халққа дахлдорлик жиҳатлари нуқтаи назаридан ўрганилган бўлиб, унинг ўзига хос жанрий хусусиятлари, генезиси, типологияси, бадиияти ва бошқа туркий халқлар оғзаки ижодидаги нақл жанри намуналари билан қиёсий таҳлили каби масалалар ҳанузгача кенг қамровли илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Нукус давлат педогогика институти Ўзбек адабиёти кафедрасида «Ўзбек ва туркий халқлар адабиётининг ўзаро алоқаси, тараққиёт тенденциялари» мавзусида олиб борилаётган истиқболли илмий тадқиқот ишлари режаларининг таркибий қисми саналади.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек ва қорақалпоқ фольклоридаги нақлларнинг ўзига хос жанр белгиларини аниқлаш ҳамда уларнинг бадий-композицион хусусиятларини ойдинлаштириш асосида халқ насри жанрлар тизимидаги ўрнини белгилаш, нақл жанри типологияси, генезиси ва поэтикасини комплекс тадқиқ этишдан иборат.

Надршина Ф. Башкорт халқ риуайт һәм легендалары// Башкорт халқ ижады. – Өфо, 1980. – С. 6–36; Надршина Ф.А. Башкирская народная несказочная проза: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Уфа, 1998. – С. 24.

⁵ Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 223; Саримсоқов Б. Ўзбек фольклорининг жанрлар состави// Ўзбек фольклори очерклари. 1-китоб. – Тошкент, 1988. –Б. 73; Ақл билан Давлат. Тўплаб нашрга тайёрловчи Сайёра Холмирзаева. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 8; Жўраев М. Ўзбек халқ насри жанрларини тасниф қилиш мезонлари// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1996. – № 5. – Б. 28–34; Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фан. докт. ... дис. автореф. – Тошкент, 1996. – Б. 11; Боболардан қолган нақллар (тўплаб, нашрга тайёрловчилар: М.Жўраев ва У.Сатторов). – Тошкент: Фан, 1998 – 128 б.

⁶ Дәўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Т. II. – Б. 355; Айымбетов Қ. Қарақалпақ нақыл-мақаллары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1978; Очерки по истории Каракалпакского фольклора. – Ташкент: Фан, 1977; Фольклор, литература и история Востока: Материалы III Всесоюзной Тюркологической конференция. – Ташкент: Фан, 1977. Ахмедов С., Баҳадирова С. Фольклорлық терминлердин қысқаша сөзлиги. – Нөкис: Билим, 1992. – 96 б.; Айымбетов Қ. Қарақалпақ халық нақыл-мақалларының қысқаша түсіндірме сөзлиги хәм жүйели сөзлер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2007. – Б. 8; Пахрадинов А. Мәнили гәплер хәм халық әпсаналары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1989. – Б. 3; Мақсетов Қ. Қарақалпақ халқының көркем аўызеки дәрәтпелери. – Нөкис: Билим, 1996. – 340 б.; Баҳадирова С. Қарақалпақ халық прозасы: миф, әпсана, аңыз// ӨЗР ИА ҚҚБ Хабаршысы. – Нөкис, 2007. – № 1. – Б. 107-110; Алламбергенов К. Миф, ертеқ, аңыз хәм дәстан// Қарақалпақстан муғаллими. – Нөкис, 1995. – № 3-4. – Б. 102-118; Хошаниязов Ж. Хәким ата туўралы аңызлардың дәўирлик белгилери хәм гейпара параллеллер// ӨЗР ИА ҚҚБ Хабаршысы. – Нөкис, 2007. – № 4. – Б. 95-97; Алламбергенова И.Х. Қорақалпоқ халқ ривоятлари (жанрий ўзига хослиги, таснифи): Филол. фан. фалс. докт. ... (PhD) дис. автореф. – Тошкент, 2018. – 50 б.; Қалбаева Г.С. Қорақалпоқ халқ афсоналари (генезиси, жанрий хусусиятлари, таснифи): Филол. фан. фалс. докт. ... (PhD) дис. автореф. – Тошкент, 2019. – 22 б.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нақл термини луғавий ва истилоҳий маъноларини изоҳлаш, ушбу атама билан номланувчи жанр моҳиятини ойдинлаштириб, оғзаки поэтик ижоднинг мустақил жанри эканлигини далиллаш;

ўзбек ва қорақалпоқ нақлларининг генезиси, функционал хусусиятлари ҳамда кичик эпик жанрлар тизимидаги ўрнини асослаш;

ўзбек ва қорақалпоқ нақлларини бадиий-эстетик, тарбиявий-ахлоқий моҳиятидан келиб чиқиб тасниф қилиш;

ўзбек ва қорақалпоқ нақлларининг образлар тизими, сюжети, композицияси, баён шакли, бадиий хусусиятларини таҳлил этиш;

ўзбек ва қорақалпоқ нақлларини қиёсий-типологик таҳлил қилиш асносида уларнинг муштарак жиҳатлари ва локал хусусиятларини ёритиш;

ўзбек ва қорақалпоқ нақллари композицион таркиби, сюжети ва унинг яхлитлигини таъминловчи унсурлар тизимини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек ва қорақалпоқ фольклорида тартиб берилган «Ҳикматнома», «Маънолар маҳзани», «Луқмони ҳаким. Эртақлар, нақллар, кулки ҳикоялар, латифалар», «Ақл билан Давлат», «Мэнили гәплер ҳам халқ эпсаналары», «Қарақалпақ фольклоры», «Хоразм эртақлари», «Отамнинг ривоятлари», «Ҳикматлар ва ибратлар» тўпламларидаги материаллари танланди. Шунингдек, Нукус ДПИ Туркий тиллар факультети талабалари томонидан 2008-2018 йиллардаги фольклор амалиётида тўпланган халқ оғзаки ижодиёти материалларидан ҳам фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек ва қорақалпоқ фольклоридаги нақл жанрининг генезиси, типологияси, локал хусусиятлари ва поэтикаси ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда таснифлаш, тавсифлаш, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структурал, этнофольклористик ҳамда матний таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳикоя қилинаётган воқеликнинг моҳияти сарлавҳада акс этиши, сюжетнинг ихчам шаклга эгалиги ва панд-насихат мазмунининг етакчилик қилиши нақлларнинг етакчи жанрий белгилари эканлиги асосланган;

нақллар ибратли анъаналарни сингдириш, ўғит бериш вазифасини бажарувчи халқ насри асарлари бўлиб, уларнинг композицион қурилиши ҳаётий уйдирмага асосланган эпик баён ҳамда дидактик мазмундаги хулосадан иборатлиги далилланган;

қорақалпоқ фольклоршунослигида «мысал», «мэнили гәп», «аўызеки гүрриң» ва «дидактикалық гүрриң» каби атамалар билан номлаб келинган асарларнинг нақл жанрига мансублиги исботланган

нақлларнинг мавзу қамрови диний, тарихий, мажозий, ҳажвий ва майший мазмундаги оғзаки насрий асарлардан иборатлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва қорақалпоқ халқ оғзаки ижодида нақл ўзига хос композицион тузилишга, мавзу доирасига ва бадииятга эга жанр эканлиги асосланган;

Ўзбек ва қорақалпоқ нақллари эртак, достон, мақол, матал, топишмоқ, латифа, қисса ва ҳикматлардан ажралиб турадиган алоҳида жанр эканлиги далилланган;

нақл жанрининг кичик эпик жанрлар тизимидаги ўрни ва ўзига хослиги очиб берилган;

Ўзбек ва қорақалпоқ нақллари таснифланиб, уларнинг қиёсий-типологик таҳлили амалга оширилган.

икки қардош халқ нақллари қиёсий-типологик таҳлил қилиниб, уларнинг ўзига хослиги этномаданий қадриятлар ва фольклор анъаналарининг миллий хусусиятлари асосида шаклланганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структурал, этнофольклористик ҳамда матний таҳлил каби усуллар билан асослангани, ўзбек ва қорақалпоқ нақллари генезиси ва бадииятини изоҳлашда икки қардош халқ фольклорининг турли даврларига оид ишончли манбаларга таянилган ҳолда таҳлил этилгани, бир тарихий-географик ареалда яшаб ижод этган икки қардош халқ оғзаки поэтик меросидаги нақл жанри генезиси, типологияси, поэтикаси ва ўзаро таъсир масалалари ҳақида асосли хулосалар чиқарилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар туркий халқлар фольклори, хусусан, ўзбек ва қорақалпоқ халқ оғзаки поэтик ижодининг жанрлар таркиби, айниқса, нақл жанрининг генезиси, бадиияти, тараққиёти қиёсий-тарихий ҳамда қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганилгани, жиҳатидан муҳим аҳамият касб этади. Нақлнинг кичик эпик жанрлар тизимидаги ўрни ва ўзига хослиги, мавзу қўлами ва бадиияти, сюжети ҳамда композицияси ўрганилгани билан ўзбек ва қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги ривожига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўзбек ва қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди нақл жанрига оид умумлашма хулосаларидан олий ўқув юртларида адабиёт назарияси, халқ оғзаки бадиий ижоди, қиёсий фольклоршунослик, адабий таъсир анъаналари, шунингдек жаҳон халқлари оғзаки адабиётидан маърузалар ўқишда, магистратура босқичида кичик эпик жанрлар генезиси, поэтикаси ва типологияси бўйича махсус курс ҳамда семинарлар ўтишда, турли босқичдаги таълим тизимида дарс машғулоти олиб боришда, ўқув қўлланмалари, дарслик ва мажмуалар яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек ва қорақалпоқ халқ оғзаки поэтик ижодидаги нақл жанрининг генезиси, бадиияти, эртак, достон, мақол, матал, топишмоқ, латифа, қисса ва ҳикматлар билан қиёсий-тарихий ҳамда қиёсий-типологик тадқиқи, ўзаро таъсир масалалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

нақл жанрининг генезиси, эпик жанрлар тизимидаги ўрни, типологияси, поэтик хусусиятлари ва бадиий-эстетик вазифалари ҳақидаги қарашлардан ЎзР ФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар илмий тадқиқот институтида амалга

оширилган Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2. «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» (2012–2016) фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2019 йил 12 июндаги ФТА-17-01/79-сон маълумотномаси). Натижада, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари фольклоршунослигидаги адабий таъсир ва жанр типологияси билан боғлиқ қарашлар нақл жанри ўзига хослиги, мавзу кўлами, бадиияти, сюжети ва композицияси тўғрисидаги илмий-назарий маълумотлар билан бойитилган;

икки қардош халқнинг азалий биродарлик муносабатлари ўзбек ва қорақалпоқ халқ оғзаки ижодидаги нақл жанри поэтик хусусиятларидаги ўзаро яқинликка ижобий таъсири ҳақидаги умумлашма хулосалардан амалда бўлган ФА-Ф-1-005. «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» (2017–2020) мавзусидаги фундаментал тадқиқотда фойдаланилмоқда (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2019 йил 12 июндаги ФТА-17-01/79-сон маълумотномаси). Натижада, қорақалпоқ фольклоридаги нақлларни ўзбек халқ оғзаки ижодидаги шу жанрга мансуб намуналар билан комплекс ўрганиш учун илмий-назарий асос яратилган;

туркий халқлар фольклоршунослигида алоҳида ўринга эга бўлган ўзбек ва қорақалпоқ фольклоридаги нақлларни тўплаш, унинг генезиси, таснифий белгилари, таркибий тузилиши, сюжети, адабий таъсир масалалари, қиёсий типологияси, поэтик белгилари ҳақидаги илмий-назарий ва илмий-методик тавсиялардан Қорақалпоқ давлат университети қошидаги Бердақ Миллий музейининг экспозициясида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 20 июндаги 2-04/1253-сон маълумотномаси). Натижада, музей экспозициясининг ўзбек ва қорақалпоқ фольклоридаги нақл жанрига уйғун келадиган жиҳатлари бўйича кўرғазма ва экскурс дарслари ташкил этилиб, илмий анжуманларда бакалавр йўналиши ва магистратура мутахассисликларида таҳсил олаётган талабаларга маъруза шаклида татбиқ этилган ва ижобий натижаларга эришилган.

нақл жанрининг эртақ, афсона, ривоят, масал ва мақол каби фольклор жанрлари билан қиёсий таҳлиллар орқали аниқланган хусусий ва умумий хоссаларига оид илмий-назарий қарашлари Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг «Адабиёт ва давр», «Сўнмас юлдузлар», «Мерос» эшиттиришлари, шунингдек Қорақалпоғистон телеканалининг «Ёшлар учун», «Ассалому алейкум, Қорақалпоғистон», «Халқ дурдонасидан», «Гавҳар сўзлар» каби телекўрсатувлар сценарийларини шакллантиришда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг 2019 йил 31 майдаги ЎЗ/К-01-02/212-сон маълумотномаси). Натижада, тадқиқот манбалари адабий-бадиий мавзудаги телерадиодастурларнинг халқчил ва қизиқарли бўлиши, оммабоплиги ва сифатини оширишга ёрдам берган. Радиотингловчи ва телетомошабинларни иккала қардош халққа хос оғзаки ижод намуналари билан яқиндан таништиришда муҳим аҳамият касб этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш нашр этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 4 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 148 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг илк боби «**Нақл жанрининг тарихий асослари ва ўзига хос табиати**» деб номланиб, унинг биринчи фаслида «**Нақлнинг эпик жанрлар тизимидаги ўрни ва ўзига хослиги**» ёритилади.

Жаҳон халқлари фольклоршунослари, хусусан, рус олими В.Я.Проппнинг таъкидлашича: «Жанрлар таснифи ва ҳар бир жанрнинг алоҳида ўрганилиши фольклористиканинг асосий вазифаларидан биридир...»⁷ Англашиладики, халқ оғзаки поэтик ижодининг ҳар бир намунасини жанрий хусусиятларига кўра алоҳида-алоҳида ўрганиб, ёндош жанрлар билан муштарак ва ўзига хос белги-хусусиятларини аниқлаш асосида жанрлар таснифини юзага чиқариш муҳимдир. Шу боис, халқ оғзаки ижоди эпик жанрлари «халқ насри»⁸, «халық прозасы»⁹, «народная проза»¹⁰, «несказочная проза»¹¹ тарзида турлича номланса-да, негадир улар таркибига кичик эпик жанрлар ҳам киритилган. Демак, эндиликда ареал хусусиятга эга бўлган фольклор бадиий матнларини тарихий-қиёсий ва қиёсий-типологик йўсинда тадқиқ этиш, шунингдек, мавжуд таснифларни танқидий қайта кўриб чиқиш ва муайян аниқликлар киритиш эҳтиёжи мавжуд.

⁷ Пропп В.Я. Фольклор и действительность. – Москва, 1976. – С. 20.

⁸ Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 223.

⁹ Айымбетов Қ., Кожуров О. Қарақалпақ эдебиятының түрлери// Қарақалпақстан эдебияты хэм искусствосы. – Торткуль, 1939. – № 4,5 (38). – Б.79-80 (Ушбу журнал ЎзР ФА ҚҚ бўлими қўлғезмалар фондида сақланган. Инв. №135201; № 3405); Қасқабасов С. Қазақтын халық прозасы. – Алматы: Ғылым, 1981. – 272 б.

¹⁰ Пропп В.Я. Фольклор и действительность. – Москва, 1976. – С. 38.

¹¹ Надршина Ф.А. Башкирская народная сказочная проза: Автореф. дис.... докт. филол. наук. – Уфа, 1998.

Фольклоршунос олимлар ўзбек халқ оғзаки ижодининг мақол, масал, эртак, афсона ва латифа каби жанрларини халқ насри намуналари сирасига киритишади. Бу тасодифий бўлмай, жаҳон халқлари фольклоршунослигида барқарорлашган назарий қарашларга ҳамоҳангдир. Бинобарин, «халқ насри» таснифи барча халқлар фольклоршунослик илмида деярли бир хилда муқимлашган. Фақат таркибига кўра географик-худудий тафовутларга эга жанрларгина фарқланади. Шу боисдан: «Тасниф қилувчининг биринчи вазифаси ўзи мансуб бўлган халқи оғзаки ижодининг аниқ жанрий таркибини ўрнатишдир. Зотан, бир халқ учун хос бўлган фольклор жанрлари таркибини бошқа халқ фольклоршунослигига механик тарзда кўчириш мумкин эмас. Буни назардан соқит қилмаган В.Я.Пропп: «Тасниф қилинаётган манба эмас, балки тасниф қилиш тамойиллари халқаро моҳиятга эга бўлиши лозим. Шунинг учун, жанр белгиларини ойдинлаштиришнинг илк талаби, жанрлар ҳажми ва атамаларга ойдинлик киритиш ва фольклор асарлари поэтикасини ўрганишдир»¹², – деб ёзганида тўла ҳақдир.

Аксарият фольклоршунослар оғзаки поэтик ижоднинг эпик жанрларини тасниф қилиш асносида нақл жанрини ҳам унинг таркибига киритишади. Айримлари эса, айти масалани бир оз четлаб ўтишади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, турли халқларнинг мазкур жанрни номлашларида терминология жиҳатидан турфалик мавжуд. Хусусан, русларда притча¹³ ўзбекларда нақл¹⁴, қорақалпоқларда мысал¹⁵, мөнили гәплер ҳам халқ эпсаналари¹⁶, аўйзеки гүрринлар¹⁷, қозоқларда мысал, қирғизларда уламыш сингари атамалар билан юритилиб келинади. Бундан ташқари, айрим халқлар фольклоршунослиги, илмий адабиётлари ва луғатларида нақл оғзаки ижоднинг бошқа жанрлари билан жуфтлашган ҳолда, хусусан: пағил-эртак¹⁸, нақыл-мақол¹⁹, ривоят-нақыл қабалида ҳам номланади.

Кичик насрий жанрлар ўзаро генетик алоқадорлиги даставвал нақл ва мақолларда намоён бўлади. Фольклоршунос олимлар К.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаровлар эътироф этишганидек: «Фольклор тарихида шундай ҳодисалар ҳам борки, янгидан пайдо бўлган жанр ўзининг юзага келишига манба бўлган қадимий жанр структураси ва поэтикасига таъсир кўрсатиши ва сўнишига сабаб бўлиши ҳам мумкин»²⁰. Бу фикрни рус олими А.А.Потебня ҳам тасдиқлайди²¹. Улардан фарқли ўлароқ, фольклоршунос Ф.И.Буслаев кичик жанрлар эртак замирида пайдо бўлган, деган фикрни

¹² Пропп В.Я. Фольклор и действительность. Жанровый состав русского фольклора. – Москва, 1976. – С. 46.

¹³ Аверинцев С.С. Поэтика ранневизантийской литературы. – Москва, 1987. – С. 305; Тюпа В.И. Грани и границы притчи. Традиция и литературный процесс. – Новосибирск, 1999. – С. 381-387.

¹⁴ Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 214.

¹⁵ Ахмедов С., Баҳадирова С. Фольклорлық терминлердиң қысқаша сөзлиги. – Нөкис: Билим, 1992. – Б. 96.

¹⁶ Пахрадинов А. Мөнили гәплер ҳам халық эпсаналары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1989. – Б. 3.

¹⁷ Қарақалпақ фольклоры. 100 томлық. Аўйзеки гүрринлар. – Нөкис: Билим, 2014. – Т. 83. – Б. 325-393.

¹⁸ Nizami Məmmədov – Tağısoy. Qaraqalpaq ədəbiyyatı (dərslik) – Bakı: Elm və təhsil, 2015. – B. 172-198.

¹⁹ Айымбетов Қ. Қарақалпақ халық нақыл-мақалларының қысқаша түсіндірме сөзлиги ҳам жүйели сөзлер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2007. – Б. 8.

²⁰ Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. ун-т ва пед. инс-т студ. учун дарслик – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 89.

²¹ Потебня А.А. Из лекций по теории словесности// Эстетика и поэтика. – Москва: Искусство, 1976. – 483 с.

илгари суради²². Жумладан, унинг фикрича, халқ донолиги намуналари бўлган мақол ва топишмоқлар эртақ структурасидан ўсиб чиққан ва мустақиллик касб этган.

Бизнингча, нақлнинг келиб чиқиш ва трансформацияга учраш манбаи юқорида таъкидланганидай, ўзга бир жанр, яъни мақолларга туташади. Бу икки жанр ўртасида ҳануз кўп умумийликлар мавжуд. Масалан, «Вақиллаган вақтни ўтказар, қўлидаги нақлни кетказар», «Қул қутурса, қудуққа туфлар», «Қум йиғилиб, тош бўлмас, қул йиғилиб бош бўлмас» каби нақллар замонлар оша мақолга айланиб, нақл жанрига хос сюжет йўқолган.

Рус фольклоршуноси И.Снегиров жонли тилда айрим нақл ва мақоллар бир-бирига жуда яқин келишига таяниб: «Баъзи бир нақл-мақоллар нақлдан, баъзи бир нақллар бўлса, аксинча мақоллардан келиб чиққан»²³, – деб ёзади. Нақл ва мақоллар ҳамиша бошқа фольклор жанрлари, жумладан: масал, эртақ, афсона ва латифалар таркибида қоришиқ ҳолда келади. Шу боис, айрим халқлар луғатшунослиги ва бошқа илмий манбаларида «нақл» ва «мақол» атамаларига аниқ, айримларида эса турфа хил таърифлар берилади. Умуман, фольклоршунослик илмида бу икки жанрга хос белги-сифатларни аралаштириш ҳоллари кузатилади. Туркий халқларда бу жанрларнинг бир неча номлар билан аталиши ҳам бундай англашилмовчиликларни келтириб чиқарган бўлиши эҳтимолдан унча узоқ эмас.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди хазинасидаги: «Темирни қизиғида бос», «Ёвни аяган яра ер, калтагини сара ер», «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар», «Эр йигитга икки номус – бир ўлим»; қорақалпоқ фольклоридаги «Гилем сатсан аўылыңа сат, бир шетинде өзиң отырасаң», «Соқыр таўыққа бәри тары», «Санамағанға бәри туўел», «Есабын тапқан еки асар» каби мазмунида тугал фикр, умумий хулоса мавжуд бўлган ҳаётий ҳикматлар мақол жанрига мансуб. Аксинча: «Сулаймон ўлди, девлар қутулди», «Тош қаттиқми, бош», «Кўрган билан эшитган бир эмас», «Аёзхон, ҳаддингни бил» каби мазмунида умумий хулоса, тугал фикр эмас, хусусий белгигина ифодалаган ҳикматлар эса нақллардир. Демак, мазмун сарлавҳада келтирилиб, сюжет билан баён қилинсагина, чинакам нақл юзага келади. Бинобарин, «Темирни қизиғида бос» мақолида наинки фактлар жамланади, балки тугал фикр ва умумлашма маъно ҳам англашилади. Айни пайтда, мақолдаги насихат ва ўғит ҳар бир ишни ўз вақтида уддалашга қаратилган бўлиб, маъно кўламини бениҳоя кенгайтган. Шунинг учун жонли нутқда ҳам тугал поэтик ҳукм, фикр тарзида қўлланади.

Диссертацияда «Сулаймон ўлди, девлар қутулди»²⁴ нақлининг Сулаймон пайғамбар билан боғлиқ генезиси ҳикоя сюжетининг маъно ва композицион жиҳатдан трансформацияга учраб, матал ҳамда нақлга айланиш жараёни таҳлилга тортилган ва айрим мақоллар билан чоғиштирилган. Қорақалпоқ

²² Буслаев Ф.И. Русский быт и пословицы// Буслаев Ф.И. Исторические очерки русской народной словесности и искусства. Русская народная поэзия. – СПб.: Изд. Д.Е. Кожанчикова; в тип. Товарищества «Общественная Польза», 1861. – Т. I. – С. 78-136.

²³ Снегиров. И. Русские народные пословицы и притчи, – Москва, 1948. – С. 19.

²⁴ Шомақсудов Ш. Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома – Тошкент, 1990. – Б. 379.

фольклоридаги нақл-мақол жуфтлиги мисолида уларнинг ўзаро яқинлиги ва мақолнинг нақлдаги ҳаётӣй воқелик синтези – ибратли фалсафӣй хулосаси тарзида юзага келиши, уларнинг ҳар бири фольклорнинг алоҳида жанрлари экани тасдиқланган. Этнограф Г.П.Снесарев келтирган ва генетик жиҳатдан қадимги дафн маросимлари билан алоқадор удумларга бориб тақалувчи кекса ота ва навқирон ўғил ибратли қисмати билан боғлиқ афсона²⁵ мисолида «Нима эксанг, шуни ўрасан» нақлининг келиб чиқиши, композицияси ва бадиияти қиёсий таҳлил қилинган. Нақлнинг афсонага муштарак ва ўзига хос хусусиятлари ойдинлаштирилган. Натижада, фольклоршуносликда учровчи иккала жанрни аралаштириб юбориш билан боғлиқ айрим чалкашишларга аниқлик киритилган. Жанрларнинг ўзаро таъсири ва акс таъсири масаласи, улардан бирининг иккинчисига кўчиб юриш ҳодисаси тадқиқ этилган.

Дарҳақиқат, «Ўзбек фольклорининг жанрлар системаси, биринчидан, улардаги ғоявий-бадиий принциплар умумийлигига; иккинчидан, уларнинг тарихан тараққий этган ўзаро муносабатларига; учинчидан, жанрлар тарихий тақдиридаги умумийликка (муштаракликларга) боғлиқ ҳолда вужудга келади»²⁶. Демак, эртак, афсона ва нақл орасида бир хил сюжет, бир хил кўринишдаги асарлар учраши ана шу адабий-эстетик ҳодиса билан чамбарчас боғлиқдир. Диссертацияда бир оғзаки ижод намунаси бир неча жанрлар таркибида келиши, уларнинг ўзаро қўшиливи ёхуд бирдан иккинчисига ўтишига йўл очиши²⁷ аниқ мисоллар воситасида изоҳланган. Шунингдек, проф. Д.Қуронов томонидан илгари сурилган тарбиявий-эстетик мақсади устуворлиги ва панд-насихат руҳи етакчилиги боис дидактик адабиёт жанри ҳисобланиб келинган рус адабиётидаги «басня», ўзбек фольклоридаги «масал» жанрларининг ҳикоя қисми эртак ва латифаларга, «қиссадан ҳисса» чиқариш хусусияти мақолларга яқинлашади»²⁸, деган фикр қорақалпоқ фольклоридаги «тымсал» жанри мисолида ривожлантирилган.

Биринчи бобнинг «**Нақл жанрининг генезиси ва бадиий эволюцияси**» деб номланган иккинчи фаслида ўзбек халқ насри жанрлар таркиби шаклланиши ва тараққиёти Қуръони карим, ҳадиси шариф таркибида келувчи, шунингдек «Девону луғотит турк», «Қисаси Рабғузӣй» типидagi адабий-тарихий манбаларда келтирилган нақл, афсона ва ривоятлар билан боғлаб ўрганилган. Зотан, саналган мўътабар манбалардаги кўрсатма ва ибратлар билан бирга, жаҳон халқларининг ҳаётӣй тажрибалари, доно фалсафаси акс этган оғзаки ва ёзма адабиёт, таржима асарларидаги эртак ва афсоналарнинг сюжет тизими нақл жанрининг генетик илдизлари ва бадиий эволюциясини кенг кўламда тадқиқ этишга асос бўлади²⁹. Нақлларни алоҳида жанр сифатида ўрганиш, асосан ХХ асрнинг 80 йилларида бошланган.

²⁵ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – Москва: Наука, 1969. – С. 145.

²⁶ Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоков Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. ун-т ва пед. инс-т студ. учун дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 88-89.

²⁷ Ўша манба: – Б. 88-89.

²⁸ Қуронов Д., Мамажонов З, Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б. 68.

²⁹ Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 214.

Фольклоршунос олимлар К.Имомов³⁰, Б.Саримсоқов³¹, С.Холмирзаеваларнинг³² халқ насри, хусусан, нақл жанри бадиияти билан боғлиқ қимматли изланишлари рационал негизи ушбу муаммони ўрганишда назарий-методологик асос вазифасини ўтади. Жумладан, қорақалпоқча нақл термини ўзбек фольклоридаги мақол жанри англатган маънони англатади. Шу боис, қорақалпоқ фольклоршунослари томонидан ҳануз мысал³³, менили гәплер ҳам халық әпсаналары³⁴, аўызеки гүрриңлер³⁵ тарзидаги ҳар-хил атамалар қўлланиб келинади. Диссертацияда бундай ноаниқликлар жанрга ўз табиати ва бадиийлик мезонлари нуқтаи назаридан ёндашиш ҳамда қорақалпоқ нақллари «оғзаки ҳикоя» эмас, «дидактикалық гүрриң» тарзида аташ орқали ўз ечимини топган. Умуман, нақл ҳаётий, таълимий-тарбиявий вазифалар бажарувчи мураккаб сюжетли, ўзига хос образлар тизимиға эга мустақил жанр экани аниқ мисоллар таҳлили орқали тасдиқланган.

«Ўзбек ва қорақалпоқ нақллариның қиёсий-типологияси» деб номланган иккинчи бобнинг **«Нақллариның мавзу доираси ва таснифи»** деб номланган биринчи фаслида нақлнинг мавзу кўлами ўзбек ва қорақалпоқ халқлариниң ҳаёт ва турмуш тарзи, борлиқ ва атроф-муҳитға муносабати, уни тушуниши, ҳис қилиши, энг асосийси, одам ва оламини бадиий-эстетик баҳолашидан келиб чиқиб белгиланган. Қиёсий таҳлил ва тадқиқ жараёнида ўзбек ва қорақалпоқ нақлларида акс этган миллий ва умуминсоний қадриятлар поэтик ифодаси жанрнинг маъно кўламини ҳам белгилаб бергани кўрсатилган.

Икки қардош халқ оғзаки поэтик ижодида кузатилувчи нақлларда мавзу нуқтаи назаридан энг гўзал инсоний фазилатлар ва эзгу хулқ-атворлар: тўғрилиқ, ростгўйлик, шукроналик, билимдонлик, мардлик, донолик, тадбиркорлик, одиллик, соддалиқ, камтарлик улуғланади. Ғайриинсоний иллатлар: очкўзлик, беғамлик, худбинлик, лақмалиқ, дангасалиқ, калтафаҳмлиқ, виждонсизлик қораланади. Ҳаётий мисоллар воситасида панд-насихат қилиш етакчилиқ қилади. Айрим нақлларда тасдиқ ва инкор қоришиқ ҳолда келиши ҳам мумкин. Бинобарин, нақлнинг мавзу доираси шу географик маконда яшаб ижод қилган халқлар ментал тафаккури, Марказий Осиё аҳолиси ҳаёт тарзи ва атроф – муҳитға муносабатидан келиб чиқади. Бинобарин, биз фольклор амалиёти даврида талабалар кўмагида тўпланган «Отни тилимға боғла», «Ўлишингға – кўмишим», «Кўрган эдик арбангни, орти тешиқ тўрвангни» ва бошқа кўплаб нақллар фикримизни тасдиқлайди.

Диссертацияда «Ақ тўйени көрдиң бе?» (Р-1299, №183812)³⁶, қорақалпоқ нақлидаги ўзини Қаратов нори деб билувчи Көклен образи кенг таҳлилға

³⁰ Имомов К. Ўзбек фольклори очерклари. 2-китоб. Нақл. 46 б.; Имомов К. Ўзбек халқ прозаси – Тошкент: Фан, 1981. - 54 б.; Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – 223 б.

³¹ Саримсоқов Б. Ўзбек фольклориниң жанрлар состави// Ўзбек фольклори очерклари. 1-китоб. – Тошкент, 1988. – Б. 73.

³² Ақл билан Давлат. Тўплаб нашрга тайёрловчи. Холмирзаева С. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 3.

³³ Ахмедов С., Баҳадирова С. Фольклорлық терминлердиң қысқаша сөзлиги. – Нөкис: Билим, 1992. – Б. 96.

³⁴ Пахрадинов А. Менили гәплер ҳам халық әпсаналары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1989 – Б. 3.

³⁵ Қарақалпақ фольклоры. 100 томлық. Аўызеки гүрриңлар. – Нөкис: Билим, 2014. – Т. 83. – Б. 325-393.

³⁶ Ўша манба. – Б. 330.

тортилган. Беруний, Тўрткўл, Эллиқалъа туманларида яшовчи оддий халқнинг кундалиқ ҳаёти, турмуш тарзи ва дунёқараши таъсирида нақл ўз мажозий маъносини реал мазмун билан алмаштириши кўрсатилган. Муҳими, нақл лейтмотивидаги халқнинг зулм ва зўравонликни кўрса-да, уни кўрмасликка мажбур этилиши билан боғлиқ мазмун сақлаб қолинган. Элниқ дилига кўрқув ва ҳадик солувчи кучнинг баҳайбат туя тимсолида кутилмаганда пайдо бўлиши кўчманчи халқ учун ҳаётий асосга эга. Шунингдек, поэтик жиҳатдан ҳам ўзини тўла оқлайди. Иккинчидан, иждокор халқнинг «оқ туя» образида яхши ва фаровон турмушни орзулаши, учинчидан, қадимий инонч-эътиқодларига кўра ўлим ҳақлигига ризо эканини кўрсатиши ҳам таъкидланган. Зотан, тадқиқотда ушбу нақлнинг мавзу доираси, бадий тимсоллар олами ва таснифи реал ҳаётий мазмун, тотемистик тасаввурлар ва маросим фольклори таъсири, исломий қарашлар билан боғлиқ жиҳатлари, бадий мантиқ талабларига мутаносиблиги сингари турфа ракурслардан кузатилган. Ўрни билан «Кўк хўкиз ва оқ туя ҳақида»³⁷ ривоят ва «Бобо Қамбар туяси» афсонаси билан қиёсланган. «Вариантлик халқ оғзаки ижодининг ўзига хослигини таъминлаб берувчи энг муҳим жиҳатлардан бири»³⁸ экани «Қолың келди Аннакул, сырнайыңды былғап ур!»³⁹ нақли қорақалпоқ фольклорида учдан ортиқ вариантларда учраши мисолида тасдиқланган. Англашиладики, тадқиқотда нақлнинг яратилиши, оғзаки ижрода яшаш қонуниятларидан тортиб, унинг сюжети, образлиги, стилистикаси ва эстетикаси – умуман, жанр хусусиятлари ва поэтикаси тадқиқ этилган.

Зотан, нақлларни структурал тасниф қилишда фольклоршуносликда яқдиллик кузатилмайди. Жумладан, проф. Б.Саримсоқов таснифида нақллар тарихийлик тамойилига кўра сюжет ва унинг характери жиҳатидан икки гуруҳга ажратилади: а) соф бадий тўқима асосидаги сюжетга эга нақллар; б) конкрет тарихий воқеаларни, шахсларни ўзига хос сюжетларда акс эттирувчи нақллар⁴⁰. Проф. К.Имомов нақлларни ўз семантикаси, структураси ва манбаига кўра икки типга бўлади. а) синкретик нақллар; б) соф нақллар⁴¹. С.Холмирзаева жанрни мавзу жиҳатдан таснифлайди ва ўз таснифоти ўзбек халқ нақлларининг барчасига оид мавзуни тўла қамраб ололмаслигини ҳам эътироф этади. Юқоридаги таснифларнинг ҳеч бири мутлақлик мақомига даъво қилолмаслигини назарда тутиб, биз ҳам жанр намуналарини бадий-эстетик, тарбиявий-ахлоқий моҳиятидан келиб чиқиб тасниф қилишга уриндик: а) диний нақллар; б) тарихий нақллар; в) мажозий нақллар; г) ҳажвий нақллар д) маиший нақллар. Диссертацияда нақллар юқоридаги нисбий тасниф бўйича кенг таҳлилга тортилган.

³⁷ <http://shosh.uz/zangi-ota-himmatiy/>

³⁸ Фольклор – миллатнинг боқий тарихи (Фольклоршунос Жаббор Эшонкул билан мулоқот)// Ёшлиқ. – Тошкент, 2014. – № 8.

³⁹ Қарақалпақ фольклори. 100 томлық. – Нөкис: Билим, 2014. – Т. 83. – Б. 325.

⁴⁰ Саримсоқов Б. Ўзбек фольклорининг жанрлар састави// Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик. – Тошкент: Фан, 1988. – Т. I. – Б. 73.

⁴¹ Имомов К. Нақл// Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик.– Тошкент: Фан, 1988. – Т. II. 2-китоб. – Б. 51.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли «Ўзбек ва қорақалпоқ нақлларининг қиёсий-типологик таҳлили» деб номланган. Бу бежиз бўлмай, қадимий генетик илдизлари ягона манбага бориб тақаладиган, алоҳида миллат сифатида шаклланиб, ривожланган даврларида ҳам ўзаро маданий ҳамкорлик негизида⁴² бир-бирининг оғзаки поэтик ижодини тўлдириб, сайқал топишига таъсир этиб борган ва бу жараён ҳозирда ҳам изчил давом этаётган ўзбек ва қорақалпоқ фольклори жанрлар таркиби наинки миллий, балки муштарак хусусиятларга ҳам эга экани нақл жанри мисолида ҳам ўз тасдиғини топади.

Ўзбек ва қорақалпоқ дoston ва эртақларини немис тилига таржима қилган олмон профессори К.Райхл зоҳиран бир-бирига жуда яқин бўлган туркий тилларда ўхшашлик баробарида, талай ўзгачаликлар ҳам мавжуд экани уларни қиёсий-типологик ўрганишда намоён бўлишини таъкидлайди⁴³. Шубҳасиз, бу фикр қардош халқлар фольклори, хусусан, жанрлар таркибига нисбатан қўлланилганида ҳам ўзини тўла оқлайди. Зотан, адабий асарларни қиёслаб ўрганиш дунё адабиётшунослигида XIX асрдан эътиборан кенг қулоч ёзди. Тарихий-қиёсий адабиётшунослик – компаративизм майдонга келди. Тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик тадқиқ усулларида фойдаланила бошланди. Бирок, ўзбек фольклоршунослигида бу метод нисбатан кечроқ истифода этилди. Жумладан, Х.Эгамов фольклоршуносликда бу типдаги тадқиқотларни бешта йўналишда амалга ошириш мумкинлигини таъкидлайди: а) маълум бир халқ фольклорининг алоҳида жанрларини қиёсий-типологик ўрганиш; б) халқаро қиёсий-типологик ўрганиш; в) қиёсий-этнографик ўрганиш; г) лингвистик тадқиқ этиш; д) жанрлараро типологик ўрганиш⁴⁴.

Диссертацияда ўзбекча «Қари билганни пари билмас»⁴⁵ нақлининг қорақалпоқча «Ақыллы ғарры»⁴⁶ варианты сюжет ва мотивлар муштараклиги ҳамда ўзига хослиги, шунингдек эътиқодий қарашлар таъсири жиҳатидан серқатлам мазмунга эга экани жиҳатидан атрофлича қиёсий таҳлилга тортилган. Бу нақллар сюжети, қаҳрамонларнинг ижтимоий мавқеи, оилавий аҳволи, доно маслаҳати билан элни сувсизликдан қутқариши, хон томонидан тақдирланишида бир хиллик кузатилади. Қарияларнинг ёши (саксон ва олтмиш беш), ҳукмдорнинг интилган мақсади (бирида сув, иккинчисида олтин) сувга етишишдаги восита (от гўшти ва ари; бўшатиш сугир), қиёслардан аён бўладиги, ўзбекча вариантда исломий эътиқод таъсири яққол намоён бўлган. Қорақалпоқча вариантда эса анимизм рудиментлари (кўзнинг магик қудратига ишонч) қисман сақлангани ҳолда, реалистик тасвир томон силжиш кўзга ташланади. Бу ҳол ўзбек хони сув (хаёт суви), қорақалпоқ

⁴² Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение (Восток и Запад). – Ленинград: Наука, 1979. – С. 13.

⁴³ Карл Райхл. Тюркский эпос: традиции, формы, поэтическая структура. – Москва: Восточная литература, 2008. – С. 25.

⁴⁴ Эгамов Х. Туркий халқлар эртақчилиқ аңаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 25-27.

⁴⁵ Хоразм эртақлари. – Тошкент: Фан, 1961. – Б. 162.

⁴⁶ Қарақалпақ фольклоры. Көп томлык. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Т. I. – Б. 337-338.

ҳукмдори олтин (моддий тўқислик) исташи ва ҳар бири ўз ниятига яраша мукофотга ноил бўлишида ёрқин кўзга ташланади.

Демак, фольклор жанрларини қиёсий метод асосида тадқиқ этиш кенг кўламли назарий умумлашмалар чиқариш, халқ оғзаки поэтик ижоди намуналарининг яшаш ва тараққиётига оид умумий қонуниятларини аниқлаш имконини беради

Тадқиқотнинг учинчи боби «**Ўзбек ва қорақалпоқ нақллари поэтикаси**» деб аталган бўлиб, унинг «**Нақлларда сюжет ва композиция**» тарзида номланган биринчи фаслида кичик насрий жанр бўлган нақлларнинг сюжет таркиби ва композицион хусусиятлари ўрганилган. Жумладан, нақллар ўзида анъанавий такрорларни ташиши, аксарият ҳолларда сюжети ҳажм эътибори билан нисбатан ихчам, баъзан анча мураккаб ва ҳажман йирик, тасвирланган воқеа-ҳодисалар бадий тўқимага асосланувчи нақллар ҳам учрайди. Мажозий мазмун кескин тўқнашувлар давомида очилиб, унинг ибратли ўғит ташиши ойдинлашади. Нақллар халқ оғзаки поэтик ижоди жанрлари орасида сюжет воқеаларининг сабаб-оқибат мантиғига таяниши, хулқ-одоб меъёрлари билан боғлиқ ягона мотив асосига қурилиши, ифода тарзи турфа хиллиги, ҳозиржавоблиги, ҳикматга бойлиги, ибратли хулосалар чиқариши билан ажралиб туради. Фольклоршунос олим, профессор. К.Имомов таъкидлаганидек, нақлнинг: «Сюжет асосини бирор камчилик, аянчли ҳодиса ёки доно, намунали фазилат акс этган мотив ташкил этади»⁴⁷.

Диссертацияда ҳажвий нақллар сирасига кирувчи: «Арқонга ун босилган, ғалвирга сув солинган»⁴⁸ нақли сюжети Насриддин Афанди образи билан боғлиқ латифалар таъсирида юзага келгани, конфликт аклий тўқнашувга асосланиши, ечими зикналикни ҳажв қилувчи халқ донолиги сифатида намоён бўлиб, дидактик характер касб этиши, композицияси: *матн қурилиши* (сарлавҳаси, асосий матни); *бадий нутқ шакллари* (хикояланиши, образлари тавсифи, диалоглари); *ривоя субъекти* (муаллиф ва персонаж); *нуқтаи назар* (воқеликнинг халқ нигоҳи орқали кўрилиб, поэтик ҳукм чиқарилиши); *персонажлар олами* (Афанди ва кўшнилари) атрофлича тадқиқ этилган. Демак нақлнинг мавзуси, мазмуни, образлар дунёси, сюжети, композицияси, ғайриоддий баён шакли, поэтик хусусиятлари ўрганилган. Ҳажвий нақлларда: ҳажм қисқа бўлиши, улар ҳаракат мотиви асосига қурилиши, воқеалар ихчам шаклда баён қилиниши, етакчи қаҳрамон, асосан, Афанди образи бўлиши, сюжет ибратли воқеага асосланиши, конфликт ечими ҳамда поэтик ҳукм бош қаҳрамон руҳияти ва тақдирида юзага келган комик ҳолат ва юмористик кайфият юзасидан хулоса чиқарилиб, персонаж эътирофи тарзида баён қилиниши сингари характерли хусусиятлар аниқланган. Умуман, нақлларда сюжет асосини инсон тийнатидаги муайян фазилат ёки нуқсон акс этган мотив ташкил қилади. Шунга мос қаҳрамонлар танланади. Образлилик кўпинча: «Ҳар ким қилса, ўзига» ва «Жақсылық қылсаң өзиңе, жаманлық қылсаң өзиңе» нутқ қолиплари орқали намоён

⁴⁷ Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 219.

⁴⁸ Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент, 2001. – Б. 10.

бўлади. Бу ҳол жанр намуналари поэтик структураси жипслашуви, сирлилик кучайиши ҳамда тингловчилар қизиқишининг ортишига хизмат қилади.

